# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 64 (10.313).

1992 йил 9 апрель пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси


# ФИДОКОР ЁШЛАРГА — КЕНГ ЙЎЛ!

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республикамиз ёш олимлари — иқтисод, фалсафа ҳамда ижтимоий фанлар, соҳаларининг вакиллари билан учрашгани ҳақида ахборот берилганди.**

**Қуйида И. Каримовнинг шу йиғинда сўзлаган нутқининг баёни эълон қилинмоқда.**

— Биз ҳозир катта йўлнинг бошида турибмиз. Ўзбекистонни 105 давлат тан олди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Республикамиз бир қатор ривожланган давлатлар билан икки томонлама иқтисодий ва ижтимоий битимлар, шартномалар тузган. АҚШ, Англия, Олмония, Хитой, Туркия шулар жумласидандир. Ўлкамизда кўпгина хорижий фирмаларнинг ишбилармонлари фаолият кўрсатишяпти. Бир неча қўшма корхоналар очилди. Ҳаммамиз гувоҳ миз: яқин-яқингача Ўзбекистоннинг жаҳона чиқиши учун деярли ҳеч қандай имконияти йўқ эди.. Энди дунёдаги энг ривожланган давлатлар биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқдалар. Аммо бу республикамизнинг муаммолари тўла-тўкис ҳал қилинганини англатмайди, албатта. Ҳали олдимизда бири иккинчисидан мураккаб бир неча масалалар турибди. Шуниндек ҳали қатор қийинчиликларимиз мавжуд.

Мен ана шулар ҳақида, уларнинг сабаблари хусусида батафсил тўхталмоқчиман.

Албатта, қийинчиликлар СССРнинг тарқалиши оқибати билан ҳам боғлиқ. Бу мамлакат шундай тарзда ташкил этилгандики, унинг таркибига кирувчи республикалар, айниқса, иқтисод соҳасида бир-бирлари билан чирмашиб кетганди. Ҳозир айрим оғзига кучи етмаганлар: нима зарурати бор эди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига киришнинг деб тўрт томонга жар солишаяпти. Ахир 74 йил мобайнида шаклланган иқтисодий-сиёсий, маънавий алоқаларни бир кунда узиб ташлаб бўлмайди-ку?! Ҳамма нарсанинг вақт-соати бор. Ўзини халқпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганлар нарх-наво хусусидаям шовшувлар кўтариб юришибди. Нарх-навонинг ошиши кўп жиҳатдан, Россияга боғлиқлигини мен айтганман. Қолаверса, бу, вақтинчалик ҳол.

Айримлар «Ўзбекистонда мустақиллик фақат қоғозда» дейишяпти. Тўғри, мустақиллигимиз илк қадамлар ташлаяпти. Қийинчиликлар етарли. Буни биров юзимизга солиши шарт эмас. (Бу билан, ана «қаҳрамонлар» ўзларини фидойи қилиб кўрсатишга уринишса-да, аслида уларнинг бош мақсади қийинчиликларни маслаҳатлашиб олайлик» деб, уни ечишни пайсалга солишади. «Нима бўлса бўлсин, шу нарсани мен ўз зиммамга оламан», дейдиган мардни тополмайсиз.

Айрим соҳалар, айтайлик ташқи сиёсат, иқтисод бўйича аниқ ишлаб чиқилган дастур йўқ. Ижтимоий, иқтисодий масалалар билан шуғулланишадиган олимларимиз томонидан радикал таклифлар деярли тушмаётир.

Сабабини кўп марта айтганман ва шу боис бугун яна такрорлашга ҳеч бир ҳожат йўқ. Бугун биз хориждан инвестиция, яъни ёрдам олишга мажбурмиз. Улар ўз пулларини ҳеч қачон беҳудага совуришмайди. Қарз беришларидан олдин сўрашади: уни қайси соҳага ишлатмоқчисизлар, бундан қандай самара олмоқчисизлар, деб. Хуллас, кафолат сўрашади. Бизда эса худди ана шундай аниқ ҳисоб-китоб йўқ десам ҳам бўлади.

Яна бир масала — нархнаво. Қурултойдаям гапирувдим: биз уни жиловлаб олишимиз керак деб. Лекин нега уддасидан чиқолмаяпмиз, нега бу соҳада мутахассислар, олимлар етарлича жонкуярлик қилишмайди?!

Ёки солиқ системасини олсак. Ҳали бирортаям раҳбар ёки мутахассис уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф билан олдимга кирмади. Ҳатто шу кунгача янги тузилган Давлат солиқ инспекциясига раҳбар тополмаяпмиз. Бу ишга, албатта, биринчи галда нафақат ўта масъулиятли, балки изланувчан, ҳар томонлама етук, жаҳондаги ҳозирги жами солиқлар сиёсатидан хабардор одам керак-да. Шу ерда яна бир нарсани айтмоқчиман. Фан-техника бўйича бир комитет ташкил этувдик. Раҳбар тополмадик. Охири бир таниқли олимни чақириб, шу ишни топширмоқчи бўлсак, ранги ўзгариб, мен бир ўйлаб кўрай, деди. Эртасига эса рад қилди. Биламан, енгил иш эмас. Ўша олимга илмгоҳда ишлаш минг марта осон. Ҳеч қандай ташвиш чекмайди.

Четдан туриб танқид қилиш осон. Лекин амалий ишга келганда ана шу танқидчилар ўзини четга олишга уринишади. Масъулиятдан қочишади-да.

Ҳозир Ўзбекистоннинг келажагини ҳал қиладиган қатор муассасаларда раҳбарлар етишмайди, бирларинг кўпи эса, юқорида айтиб ўтганимдагидек, оқим бўйлаб сузади. Бошқалари бўлса на изланишади, на ташаббускору ижодкорларга йўл беришади.

Янги ҳаёт бўсағасида турган эканмиз, демак бизга янгича фикрлайдиган раҳбар кадрлар, мутахассис керак. Биз энди бундайларни фақат ва фақат ёшларимиз ўртасидан қидиришга аҳд қилдик. Ваъда бериб айтаманки, шахсан мен ана шундай оловқалб ёшларга ҳамма имкониятлар яратаман.

Агар Ўзбекистонни қўшга қиёслайдиган бўлсак, унинг бир қаноти — бойлигимиз, иккинчиси эса — фидокор одамларимиз, айниқса, ёшлар.

Ғалати одатимиз бор: «номенклатура» сафига тушиб қолган одамни ҳадеб гарчанд у ўзига топширилган ишни эплай олмасада у ёқдан олиб, бу ёққа ўтказаверамиз. Энди «номенклатура»нинг баҳридан ўтамиз. Энди раҳбарларни анкета бўйича танлашдан ҳам воз кечиш замони келди.

Биз бюрократлардан, янгиликка ғов бўлаётганлардан ҳам бундай одам қайси лавозимда, ҳокимми, завод директорими бўлиб ишлаётганидан қатъий назар кескин равишда қутилишимиз шарт. Ана шунда ишимизда кескин силжиш бўлади. Бугунги йиғилишга иқтидорли ёшларни таклиф қилганмиз. Ишончим комилки, уларнинг кўпи ажойиб раҳбарлар бўлиб етишади.

Ушбу йиғилишда ёш иқтисодчи олимларнинг Форумини ташкил этиш бўйича таклиф тушди. Мен уни қўллаб-қувватлайман. Аммо бир нарсага қаршиман: бу Форум Президент девони ҳузурида бўлиши керак дейилган таклифга. У эркин бўлмоғи керак, у бугунги раҳбариятнинг конструктив оппозицияси бўлмоғи лозим. Майли у ерда бизнинг иқтисодий сиёсатимизга қарши гаплар ҳам айтилсин, лекин асосланган тарзда, албатта. Қарама-қаршиликларсиз ҳеч қачон тараққиёт бўлмаслигини яхши биласизлар.

Бордию, Форумларинг ҳукумат ёки Президент қанотининг остида бўлса, истайсизми-йўқми, кўпфикрлик бўлмайди. Ўз қарашларингизни дадил изҳор қилишда сизларга ҳеч ким қаршилик қилмаслиги керак. Бу борада шахсан сизларга ёрдам беришга тайёрман. Ана ўшанда бозор иқтисодиётига ҳам, жаҳон бозорига ҳам дадиллик билан кириб бораверамиз.

Мен танқиддан чўчимайман, лекин танқид асосли бўлсин. «Нарх ошиб кетяпти, солиқлар кўпайиб бораяпти» деб жар солиш, яна қайтараман, энг осон иш. Вақтимизни аяҳаннос солиш ўрнига, ана шу муаммоларни ечиш йўллари ҳақида чуқур ўйлаш, изланишга сарфласак, халққа кўпроқ фойда берамиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаймиз.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА УЮШМАСИ (ЎЗМАИШИЙХИЗМАТУЮШМА)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисига маиший хизматни яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш, тармоқни бошқаришнинг эпчил ташкилий тузилмасини вужудга келтириш, маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика давлат-кооператив марказини тугатиб, маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республика уюшмаси (Ўзмаишийхизматуюшма)ни ташкил этиш тўғрисида маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзмаишийхизматуюшма юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда ўз фаолиятини низомга, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш қондаларига мувофиқ амалга оширувчи барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик ишларини юритувчи субъектларни ва якка тадбиркорларни пайчилик асосларида ихтиёрий бирлаштирадиган хўжалик уюшмасидир.

2. «Ўзрембыттехника» концерни билан «Ўзстройреммебельбыт» уюшмаси таркибига кирган фирмалар ва трестларни меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, белгиланган тартибда акционерлик мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари амалдаги қонунларга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикасининг Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларини, бирлашмалар, уюшмалар ва концернларни ҳудудий уюшмаларга айлантирсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети билан биргаликда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш район (шаҳар) ишлаб чиқариш бирлашмаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсинлар.

4. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республика уюшмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Маиший хизмат бозоридаги аҳволни ва аҳолининг эҳтиёжини ўрганиш асосида республикада маиший хизматни ривожлантириш концепцияларини, келгусидаги ва қисқа муддатли тараққиёт истиқболи режаларини ишлаб чиқиш;

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, маиший хизмат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг шунингдек уюшмага кирувчи якка тадбиркорларнинг фаолиятини аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлатўкис таъминлаш манфаатлари йўлида мувофиқлаштириш;

Маиший хизмат соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш, янги техника ҳамда илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, технология ва ностандарт ускуналарни тайёрлаш, тармоқ корхоналарини моддий-техника заҳиралари билан таъминлашда кўмаклашиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

Маиший хизмат соҳасида бозор муносабатларини татбиқ этиш, меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, тармоқда давлат корхоналари ва ташкилотларини ижара, акционерлик, жамоа ҳамда бошқа мулкчилик турларига айлантириш борасидаги ишларни ўтказишга кўмаклашиш; тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама мадад бериш, қўшма корхоналарни барпо этиш;

маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий органлари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифода этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзмаишийхизматуюшма фаолиятига оид масалалар юзасидан қарор қабул қилсин.

6. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигини Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш республика давлат-кооператив марказига айлантириш тўғрисида» 1990 йил 25 сентябрда чиқарилган фармон ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 апрель.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

## Талаби қондирилди

**Муҳарририятимизга Оққўрғон район, «Ленинобод» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Анорбой Оққулов қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган эди:**

**— Ҳурматли рўзнома ходимлари! Турмуш ўртоғим билан муросамиз келишмаганлиги сабабли у беш ойлик қизчамизни менга ташлаб, уйдан кетиб қолганига тўрт йил бўляпти. Ҳозир қизчам Рушана тўрт ёшга тўляпти. Ўзим ногиронман, отам қоровул, кекса онам билан не машаққатларда қизимни ўкситмай катта қилишга ҳаракат қиляпман. Ҳозирги замон, бозор иқтисодиёти шароити ўзларингизга маълум. Ҳарна деб қизим учун давлат томонидан бериладиган ёрдам пулини олайлик десак, у онасининг фамилиясида бўлганлиги учун бу имтиёздан фойдалана олмаяпмиз. Ўзимининг фамилиямга ўтказиб, туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома олайлик десак, онасининг розилиги ҳақидаги тилхат керак дейишяпти. Онаси тўрт йилдан бери бирор марта қизини кўргани йўқ-ку, қандай қилиб тилхат оламиз? 1,5 йилдан бери қишлоқ Шўросига, район ЗАГСи, район ижроия қўмитасига қатнаганимиз бефойда кетди. Сўнгги умидимиз сизлардан, онламизга ёрдам беринг».**

**Биз ушбу мактубни ўрганиш, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида муҳарририятимизга хабар қилишларини сўраб вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасига юборган эдик. Яқинда бошқарма бошлиғи Е. Бозорбоев имзоси билан жавоб олдик.**

**— А. Оққулов мактуби натижаси ҳақида сизларга шуни маълум қиламизки, Оққўрғон район фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлими томонидан Тожибоева Рушана Анорбоевнага Оққулова Рушана Анорбоевна деб VIII—ЮС № 467406 рақамли туғилганлик ҳақидаги янги гувоҳнома берилди.**

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДАН

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ — БОШ ВАЗИФА

КАСАБА уюшмалари қўмиталари талай вақт ёлғиз ва кам таъминланган нафақахўрларни бепул овқатлантиришни ташкил этиш масаласини қўйиб келаётган эдилар. Бу масала яқиндагина вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва Ҳокимият томонидан ижобий ҳал этилди. Шу йилнинг 5 февралида 800 нафардан ортиқ ёлғиз, ва кам таъминланганлар, ногиронлар, ташқари дан қаровга муҳтож кишиларга иссиқ овқат ташкил этиш юзасидан қўшма қарор қабул қилиндики, унинг ижросини ҳозир вилоятдаги барча шаҳар ва ноҳияларда кўриш мумкин. Шу мақсадга вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 100 минг сўм ажратилди. Аҳолининг ночор табақасини паст нархларда озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа кундалик зарурий моллар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ мактабларида овқатланишни ташкил этиш учун жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан ўзларига эркин савдо учун қоладиган, яъни 15 фоиз чорвачилик ва 50 фоиз сабзавот-мевадан арзон нархларда ажратилишини ташкил этиш белгиланган.

— Олий ва махсус ўрта таълим ўқув юртлари талабалари учун вилоят ижтимоий ёрдам жамғармасини ташкил этишни келишиб олдик, — деди пленумда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг роли ва ўрни ҳақида маъруза қилган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова,— бу муҳим аҳамиятга эга. Жамғарма маҳаллий бюджет, хўжаликлар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳисобидан ажратилиб кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари, етимларга транспорт ва овқатланиш учун қўшимча тўланади. Вилоят меҳнаткашлари учун яна қатор кафолат ва имтиёзлар яратиляпти. Бу борада автотранспорт, қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, деҳқончилик-саноат мажмуи, энергетика ва электротехника саноати корхоналари жамоалари арзирли ишлар қилдилар.

Шуниндек, юк ташиш вилоят концернида ҳам бу соҳада ибратли ва бой тажриба тўпланган. Концерн маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси орқали 20 дан кўп ижтимоий имтиёз ва кафолатларни қўллаяпти.

Бундай савобли ишни биринчилар қаторида «Ғаллақудуқ» саноат комплекси, Тошкент ГРЭСи, «Ўзбекшахтострой» трести, Қибрай консерва комбинати, Чирчиқ «Ғунча» тикувчилик, Янгийўл пойабзал фабрикалари ва бошқа корхоналар ҳам амалга оширдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя масалалари касаба уюшмалари фаолиятининг асосий вазифаларидан бирига айланиб қолди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида элнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар бир ҳаракат савоб иш,— деди маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққан Тошкент юк ташиш концернининг раиси С. Юсупов.— Биз ўтган йили 280 оилани уй-жойли қилиш, якка тартибда уй қуриш учун ер беришни мўлжаллаган эдик. Амалда 300 дан кўп оила бу имтиёздан баҳраманд бўлди. Уй қураётганларга 1 миллион сўмдан кўп қарз бердик. Қарз тўлаш ҳар беш йилда муҳокама қилиб борилади. Ким яхши ишласа, жамоага кўпроқ фойда келтирса қарзидан кечилади. Ночор оилалар, ногиронлардан хабардор бўлиб, уларга моддий ёрдам бериб боряпмиз.

— Ўтган йили апрель ойидан,— деди Оққўрғон ноҳияси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Р. Мажидова.— Президент фармонларига кўра аҳоли табақаларига нафақа, турли тўловлар тўлаш кўпайди. Лекин ҳамма жойда ҳам бу фармонларнинг ижроси таъминланмаяпти. Ўқитувчилар яшаб турган уйларни хусусийлаштириб беришга рухсат берилди. Айрим идоралар сунъий равишда тўсиқлар қўймоқдалар. Бундай пайтларда касаба уюшмалари халқ манфаати йўлида изчиллик кўрсатишлари керак.

Музокарада қатнашган вилоят нашриёт ишлари, китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи Ш. А. Миралимов, Янгийўл маиший хизмат ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси С. Ҳидирова, «Ўзбекшахтострой» трести касаба уюшмаси қўмитасининг раиси А. И. Назаров бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларнинг турмуш шароити пасайиб кетишининг олдини олиш, умуман уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан таклифлар ва мулоҳазалар билдирдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси В. А. Алламуродов, Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзладилар.

**В. ПЎЛАТОВ.**

## ҲОКИМЛИКДА МАЖЛИС

ТОШКЕНТ вилоят ҳокимлигида район ва шаҳар ҳокимларининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика ҳукуматининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларининг чекланган чакана нархлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисда вилоят савдо бошқармасининг бошлиғи Ғ. Турсунов ва вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси М. Зокировларнинг ахборотлари тингланди. Мажлис қатнашчилари ушбу қарор бажарилишига қаратилган тадбирларни қандай амалга ошириш кераклиги ҳақида фикр алмашдилар. Бунинг учун биринчи навбатда вилоятимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, камтаъминланган кишиларни, кўп болали оилаларни, ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, нафақахўрлар, талабалар ҳамда ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, кадрлар муаммоси, шаҳар ва район ҳокимларининг ваколатлари каби муҳим масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда ҳокимлиқнинг бошқарма бошлиқлари ҳамда бўлим мудирлари, вилоят маъмурий ва ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, республика савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекбирлашув» вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев олиб борди ва нутқ сўзлади.

## ДИҚҚАТ, САВОЛ-ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

**Бугун рўзномада муҳим ва долзарб мавзуда мулоқот бошлаяпмиз. У Ўзбекистон социологлари ёрдамида ўтказилаётир. Улар Жамоатчилик фикрини ўрганиш хизматида ишлайдилар. Рўзноманинг учинчи саҳифасида савол-жавоб варақаси берилган. Ана шу варақа билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш муаммоларига доир Фармонларини амалга оширишнинг турли жиҳатлари бўйича одамларнинг фикри ўрганилади. Савол-жавоб варақасини пухта ўқиб чиқишингизни илтимос қиламиз. Сизнинг фикрингизга мос келадиган жавоб рақамини ўраб қўйиш керак. Савол-жавоб варақасини таҳририятга ёки Жамоатчилик фикрини ўрганиш хизматига юборишингизни сўраймиз. Бу тадқиқот якунлари тўғрисида алоҳида маълум қиламиз.**

(3-бетга қаранг).

## ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ аҳолининг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган, дунёнинг кўзга кўринган мамлакатлари билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилиб, уларнинг илғор тажрибалари бизда қўлланилаётган бир пайтда ёшларимизнинг иқтисодимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Кеча Ўзбекистон ёшлари кунига бағишланиб ўтказилган йиғилиш қатнашчилари йигит-қизларнинг айни пайтдаги фаолиятларини ана шундай баҳоладилар. Унда вилоятимиз район ва шаҳарлари ёшлар ташкилотларининг фаоллари, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг биринчи котиби А. С. Арзиматов ва Тошкент вилоят Ёшлар иттифоқининг биринчи котиби М. М. Мирхўжаев сўзга чиқдилар.

**Суратларда: Ёшлар кунига бағишланиб ўтказилган кечада.**

**В. ХАРИТОНОВ олган суратлар.**

# БИР ОИЛАДАН БЕШ ЧОРВАДОР

ДУНЕДА касбнинг яхшиёмони бўлмайди. Лекин ҳар бир касбнинг ҳақиқий эгаси бўлиш учун тинимсиз ишлаш ва изланиш керак. Ўз касбига меҳр қўйган кишигина эл орасида ҳурмат топади, халқ ардоғида яшайди. Абдулла Эргашев ҳам шундай ўйларди. У ёшлигиданоқ чорвачиликка меҳр қўйди .Отаси Сотиболди ака «Ўғлим, чорвада гап кўп, халқимизда бой бўлай десанг, қўй боқ деган нақл бор бу бежиз эмас. Мен жамоа хўжалигида ўттиз йилга яқин қўй боқиб, кам бўлмадим», дер эди. Ота ўгитидан таъсирланган Абдулла 1977 йилда Бўка ноҳиясидаги «Кўкорол» шўро хўжалигининг фермасига ишга кирди. Унга кекса, тажрибали чорвадорлар устозлик қилдилар. Чорвачилик сир-асрорларини ўргатишди. Мол боқишдаги қийинчиликларга бардошли бўлишга, ёғин-сочинга, қишнинг совуқ кунларига чидаб меҳнат қилиш кераклигини айтиб, ҳалол меҳнатга ундадилар. Ўша йилнинг ўзидаёқ чорвадорлар Абдулланинг ишбилармонлигини кўриб, уни фермага ҳисобчи қилиб сайладилар. Абдулла масъулиятни янада кучлироқ ҳис қилиб ишлади, обрў-эътибор қозонди. Шунинг учун бўлса керак, 1981 йилда уни чорвадорлар бригада бошлиғи этиб сайладилар. У бутун куч-қувватини чорва парваришига, энг муҳими янгича иш ташкил этишга ва режа ижросига сарф қилди. Мана ўн бир йилдирки, у тажрибали етакчи сифатида ишлаб келмоқда. Унинг бригадасида 35 нафар ишчи бўлиб, барчаси самарали меҳнат қилмоқда.

— Абдулла ғайратли ва ҳаракатчанг чорвадорлардандир, — дейди хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Абдусаломов. — Унинг ташаббускорлиги билан ҳар йили салмоқли натижаларни қўлга киритяпмиз.

Эргашевлар оиласидан ҳозирда беш киши чорвадорлик касбини улуғлашади. Раҳима ва Зеби илғор сут соғувчи бўлса, Баҳодир молбоқар, Ортиқбой фермада тракторчи. Абдулла аканинг бригадасида 400 бош қорамолни парвариш қилишади. Самарали меҳнатлари туфайли ўтган қишлоқ хўжалиги йилида давлатга 720 тонна сут, 111 тонна гўшт топширди. Жамоа аҳолисига, болалар боғчаси тарбияланувчиларига ва мактаб ўқувчиларига кунига 150 литрдан серқаймоқ сут етказиб берилмоқда. Илғор сут соғувчилар Комила Кенжабоева, Зеннш Сийналиевалар ҳар бош сигирдан йилига 2540—2560 литрдан сут соғмоқдалар. Мўмин Оқбоев, Мансур Нурмуҳамедов каби молбоқарлар, Ўроз Кенжабоев, Николай Тимофеев сингари механизаторлар, Жуббар Аханова, Анвар Жўраев каби бузоқбоқар ва ишчиларнинг самарали меҳнатлари ҳам таърифга муносиб.

— Фермамизда деярли барча шароитлар яратилган. Ўтган йили қишловдан анча қийналиб чиққан эдик. Шунинг учун навбатдагисига пухта ҳозирлик кўрдик. Шу туфайли машаққатлар бироз чекингандек бўлди. Январь ойида 27 тонна, февралда эса 32 тонна сут топширишга эришдик, — дейди Абдулла ака.

Дарҳақиқат, фермада барча ишлар намунали ташкил этилган. Ҳар ўн кунликда сут соғувчилар мусобақаси якунланиб, ғолиблар ишчилар қўмитаси томонидан мукофотланиб турилади. Лекин ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам бор. Уларга эса бефарқ қараб бўлмайди.

— Ишчиларнинг маоши жуда оз,— дейди иқтисодчи Каромат Темирова.— Ахир бу билан ҳозирги шароитда яшаб бўладими.

Бу жуда ўринли эътироз бўлди. Яна шу нарса маълум бўлдики, ишчилар резинали оёқ кийимлари, қишки иссиқ кийимлар, кўмир масаларида анча қийналишди. Ахир соғувчилар учун калиш, резина этиклар жуда зарур-ку. Ҳолбуки аввалларн чорвадорлар учун автодўконлар ташкил этилиб, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларига эътибор бўлган. Бир йил бўлибдики, автолавка машиналари ҳам келмай қўйган.

**Орифжон ПЎЛАТ.**

# ЧИН ДИЛДАН РАҲМАТ

Биз уруш ва меҳнат фахрийлари мана шу мактубни даволанаётган шифохонамиз жамоасидан мамнун бўлиб ёзяпмиз. Ўрта Чирчиқ ноҳияси ҳудудида жойлашган вилоят физиотерапия шифохонаси (бош врач Т. Сотиболдиев) аввало озодалиги ва ходимларининг хушмуомалалиги билан бизда меҳр уйғотган. Бу жойда кўпдан буён ишлаб келаётган М. Пармонқулова, Р. Маханбетова, В. Тен, М. Боқиева, В. Пак каби нажоткорлардан беморлар ҳамиша миннатдор эканликларини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Ҳар бир даволанувчининг кўнглига қараб, унга докторлар белгилаган усулларни ўз вақтида. қўллаётган ҳамширалар Б. Умурзоқова, М. Ўринбоева, Л. Хегай ва бошқаларнинг хизмати кўпчиликнинг эътиборига лойиқ. Умуман ҳар бир бўлим нажоткорлари ҳақида шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Биз ёшимиз бир жойга бориб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган одамлармиз. Қариганда инсон кўнгли нозиклашиб қоларкан. Ана шуни ҳис этиб, бизга бунчалик эътибор бериб, турли дардлардан халос этаётган нажоткорларга ўз ташаккуримизни билдирамиз.

**Жапар СЕКЕРОВ, Абдувоҳид МУРОДОВ, Иброҳим ИСМОИЛОВ ва бошқалар.**

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Тўхтабойвачча масжидида ўқилган Ҳайит намозида нафақат тошкентликлар, балки Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистонидан меҳмон бўлиб келган мусулмонлар ҳам иштирок этдилар. Имомхатиб Обидхон қори Собитхон ўғли йиғилганларни улуғ айём билан муборакбод этди. Ҳорижлик мусулмон биродарларимиз ҳам маъруза айтдилар. Шаҳри рамазон давомида мазкур масжид ҳисобидан бир қанча муҳтож оилаларга, болалар уйига 12 минг сўмлик ўйинчоқлар ва совғалар, ҳайриялар тарқатилди.**

**Суратларда: Тўхтабойвачча масжидида ўқилган Ҳайит намозидан лавҳалар.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

• *Қутлов*

# Ота

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий «Ҳадис» китобларида шундай ёзганлар: имон мукаммал бўлмоғининг учта шарти бор: тўғри эътиқод, кишилар билан яхши муносабат, ўз устида ишламоқлик.

Ҳаётда шундай инсонлар борми?— деб сўрасалар биз бор, шулардан бири Зайниддин ота Исамуҳамедов деб жавоб берган бўлардик. Уруш ва меҳнат фахрийси, кекса журналист, жумҳуриятда хизмат кўрсаттан ўқитувчи Зайниддин ота халқимизнинг маърифатли бўлишига хизмат қилган, жумҳурият илм-фанига меҳнати синган сиймолардан. У ўз фаолияти давомида кўплаб фан номзодлари, докторларини камолга етказган фидойи илм соҳибидир. Унинг 47 йиллик муаллимлик жараёнининг ўн йили Тошкент тиббиёт, йигирма олти йили Тошкент аграр олийгоҳида сабоқ бериш билан ўтди. Ана шу вақт ичида З. Исамуҳамедов ўзининг юксак истеъдод эгаси эканлигини яққол кўрсатди. У бешта рисола, рўзномаларда босилган 200 дан зиёд мақола, ойномаларда чоп этилган 30 дан ортиқ илмий-тарбиявий, сиёсий-ижтимоий мавзудаги муаммоли мақолалар муаллифи сифатида ҳам эътибор қозонган.

Зайнитдин ота оиласини зиёқорлар маскани дейиш мумкин. У умр йўлдоши Маъфура ая билан олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Шулардан тўрт нафари фан номзодлари деган шарафли унвон эгаларидир. Улар ота изидан бориб республикадаги олий илмгоҳларда талабаларга дарс бермоқдалар.

Болалар тарбиясида Зайнитдин ота билан Маъфура аянинг 57 йиллик биргаликдаги ҳаёт йўллари ўз ифодасини топган.

— Бир-биримизга бўлган самимий меҳру-муҳаббат, ўзаро мустаҳкам ишонч ва садоқат, оила равнақи ҳамда унинг гуллаб-яшнашида ҳал қилувчи омил бўлди,— дейди Зайнитдин ота.— Инсон умрини йил фаслларига ўхшатаман. Очиғини айтсам, бизнинг баҳоримиз унчалик енгил келмади. Мен хусусан Улуғ Ватан уруши йилларини назарда тутяпман. Ҳар қалай кузимиз яхши келди. Эккан ниҳолларимиз униб, ўсиб баракали ҳосилга кирди. Меҳнатларимиз зое кетмади.

Ота ҳақ. У чеккан заҳматлар яхши самаралар берди. Бу унинг қобилиятли шогирдлари меҳнатида алоҳида намоён бўлди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Талъат Солиев шундай дейди:

— Зайнитдин отани устозларимдан бири деб фахрланаман. Талабалик вақтимизда мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур таҳлил қилиб берган мақолаларини кўп ўқиганман. Радио ва телевидение орқали чиқишларини тингларганман. Улардан мунтазам ўрганганман. Домла давримизнинг элга танилган тарғиботчи ва фаол ташвиқотчисидир. У катта нотиқлик санъатига эга бўлган ўта маданиятли, зиёли инсон ҳам.

Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимовнинг ҳикоя қилишича, З. Исамуҳамедов болалик пайтидаёқ ўткир зеҳнли ва уддабурон бўлган. Муаллимлик касбини эгаллагач, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги, бошлаган ишини охирига етказиши, адабиёт ва мусиқани севиши билан дўстлари орасида эътибор топган.

Зайнитдин ота Улуғ Ватан уруши йилларида шиддатли жангларда қатнашиб, қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Урушдан сўнг муаллимлик касбини шарафлади, айни пайтда ранг-баранг мавзуларда мақолалар ёзишга киришди.

— Биринчи мақолам «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида 1947 йилда чоп этилган, — дейди ота. Мен учун байрам ҳисобланган ўша кунларни ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Чунки ҳаёт уммонида ўз йўлимни топиб олган эдим.

Ота муомила маданияти ва тил ҳақида бир қатор баҳсли материаллари билан ҳам рўзномаларда иштирок этиб келмоқда. «Инсон номини абадий қолдирадиган омиллардан бири ширинсўзлик, мулойим ва майин тилдир. Наинки кишининг ақл-идроки, аҳлоқи, билими ва маданий савияси, балки тафаккури маълум даражада унинг тилида акс этади. Сўзлаш одоби аввало ассалому-алайкум, ваалайкум ассалом деган сўзлардан бошланади. Салом бериш фарз бўлса, алик олиш қарздир. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъат экан, бу санъатни эгалламоқ даркор, — деб хулоса чиқаради ота «Билган топиб гапирар» деган мақоласида. Шунингдек у «Бахтли бўлинг, азизлар», «Умр манзиллари» каби мақолаларида инсонларни ҳасад, таъма, кибр, жоҳиллик ва такаббурлик, безорилик ва ўғриликдан ҳоли бўлишга даъват этди. Ростгўйлик, ҳалолликка тарғиб қилди, маърифатга чорлади.

Зайниддин отанинг тиббиёт фанлари доктори бўлиш арафасида турган ўғли Садриддин ўз падари бузруквори ҳақида дейди: «Бизларнинг илмли, маърифатли бўлишимиз учун отамиз ва онамиз жуда катта меҳнат қилишган ва ғамхўрлик кўрсатишган.— Улар туфайли ҳалоллик, одамларга ғамхўрлик, яхшиликка интилиш меҳнатсеварлик фазилатларини эгаллаб кам бўлмаяпмиз. Отамиз мана бу байтни ҳамон бизга таъкидлайдилар:

**Ҳар қилган ишингда бўстон кўринсин;**
**Хулқу одобингда инсон кўринсин.**

Зайниддин отанинг ўзлари ана шу байт мазмунига ҳамиша риоя этиб, баракали умр йўлини босиб ўтдилар. Яқинда отанинг 75 ёшга тўлганликлари билан қариндош-уруғлари, дўстлари, биродарлари, шогирдлари муборакбод этишди. Бундай қайноқ меҳр ва эъзоздан отанинг боши кўкка етди.

**Комилжон ОРИПОВ, Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.**

# УДДАБУРОН ЙИГИТ

Кўпдан буён Бекобод шаҳрида радио эшиттириш муҳарририятини ташкил этиш бир орзу эди. У анча мушкуллик билан бўлса-да, ўтган йили амалга ошди. Бу ишда масъул муҳаррир Анвар Одиловнинг ҳиссаси катта бўлди, Анварга шаҳар алоқа тармоқлари бўлимидан жой ажратиб беришгач, ўз вазифасини бажаришга киришди. Лекин яроқсизланган овоз кучайтиргич ва «Карпати» магнитофони билан бирон самарага эришиш қийин эди. Шаҳар ижроия қўмитаси муҳарририят учун иккита қулай хона, зарур жиҳозлар сотиб олиш учун ҳам маблағлар ажратиб берди. Ўзбекистон радиоси ҳам ёрдам кўрсатди.

Анвар ҳали зиммасида шаҳарда радио нуқталар сонини кўпайтиришдек муҳим вазифа турганлигини ҳам яхши биларди. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида муҳарририят қошида хонадонларни радиолаштириш билан шуғулланадиган кичик корхона очди. Бунинг ўзи бўлмасди, албатта А. Одилов бир қатор йирик корхоналар билан шартномалар тузди. Шаҳар алоқа тармоқлари эса ишбилармон йигитни қўллаб-қувватлаб турдилар. Шаҳар банки кичик корхона учун ҳисоб очди.

Қилинган ҳаракатлар туфайли ўтган йили кичик корхона шаҳардаги хонадонларга, завод, фабрикаларга 5 мингта радио ўрнатди. Эшиттиришлар дастури аҳолига маъқул туша бошлади ва радиолаштиришни илтимос қилганлар сони эндиликда ортиб бормоқда.

— Ҳисобимизда 25 минг сўмдан ортиқ пул жамғарилди, — дейди А. Одилов. — бу имкониятларимизни кенгайтиришга йўл очмоқда. Шу кунларда шаҳар радиосининг моддий базасини яна ҳам мустаҳкамлаб олдик. Бу ерда ўзига хос студия вужудга келди. Тўй ва ҳар хил тантаналарда хизмат кўрсатадиган овоз кучайтиргичлар ва бошқа жиҳозлар сони кўпайтирилди.

**П. ЭРГАШЕВ.**

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

# ҲАМ ХИЗМАТ, ҲАМ ДАРОМАД

Бўстонлиқ ноҳияси ЗАГС органи ходимлари ва муҳрдорлик идоралари хизматчилари 130 минг аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатадилар. Кейинги пайтларда улар янги оила қураётган ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, эр ва хотиннинг вазифалари хусусида тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

1991 йилда 1544 та ёш оила никоҳдан ўтказилди. Булардан ташқари яна аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилаяпти. Бу идора ходимлари намунали ҳуқуқий хизмат кўрсатганликлари туфайли йил давомида 55,7 минг сўм маблағ маҳаллий бюджет ҳисобига давлат божи сифатида ўтказиб берилди.

Ноҳия мухрдорлик идораси ҳам аҳолига ҳуқуқий хизмат турларидан фуқароларга уй-жой қуришга муддатсиз равишда ер участкалари бериш шартномаларини, янги ташкил топаётган ширкат ва майда корхоналарни рўйхатдан ўтказиш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш, автомашиналарни, уй-жойларни олиш ва сотиш, алмаштириш, ҳадя қилиш, ижара билан боғлиқ бўлган шартномаларни тасдиқлаш билан бирга нотариал тартибда амалга ошириладиган бир қанча вазифаларни бажармоқдалар. Бунга мисол: мухрдорлик идораси йил давомида 714,4 минг сўмни маҳаллий бюджетга ўтказди.

Лекин уларнинг янада самаралироқ ишлашлари учун шароитни яхшилаш зарур деб ҳисоблаймиз. Масалан, ўз махсус бинолари йўқ, хоналар, зарур жиҳозлар етишмайди. Ҳозирги шароитда янги бинолар қуриш мушкул, албатта. Шунга қарамай, ички имкониятларни топишнинг иложи бор. Ноҳия мухрдорлик идораси суд биносининг кичик ва ноқулай хонасига жойлашган. Мухрдор кунига 20—25 фуқарони қабул қилади. Ҳатто одамларнинг навбат кутиб ўтиришлари учун ҳам шароит йўқ ҳисоби. ЗАГС бўлимининг шароити ҳам бундан яхши эмас.

Ноҳия ҳокимлиги бу идораларнинг ана шу қийин аҳволи, эҳтиёжини ҳисобга олиб амалий ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.

**Бахтиёр ЗИЁДОВ, вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.**

# НАВБАТДАГИ ҚАЙТА ТУЗИШ...

## ҲАМОН ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИДА КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БЕРМАЯПТИ

«ЎЗАГРОСТРОЙ» республика бирлашмаси йўли бўйича вилоятимиз қишлоқ қурилиш мажмуаси 1992 йилдан бошлаб яна иккита ташкилот — 1—2-қурилиш трестларидан иборат бўлиб қолди. Бундан бир неча йил муқаддам ҳам худди шундай эди. Қишлоқ қурилишини ташкил этишнинг эски усулига яна қайтилди. Бундан ташқари, Юбилей қўрғонида барпо этилган уйсозлик комбинати ҳам қишлоқ қурилиши эҳтиёжлари учун маҳсулот бермоқда. Албатта, бундан ташқари қатор монтаж ва ихтисослашган ташкилотлар ҳам ишлаб турипти. Бирлашманинг кўпгина саноат корхоналари ва бошқа хизматлари пойтахт вилоятимизда қурилиш ишларига ҳисса қўшмоқда.

Шундай қилиб, бошқарувнинг олдинги таркибига қайтилди. «Узагростройг» бошқаруви ўзининг 1991 йил 11 декабрдаги қарорида шундай қилишни лозим, деб топди. Иш манфаатлари шуни тақозо этмоқда, деб кўрсатилди. Натижада Тошкент вилоят қишлоқ қурилиши концерни бошқармаси тарқатиб юборилди. У 1991 йилнинг 27 сентябрида худди шундай ном билан аталувчи вилоят бирлашмаси негизида тузилган бўлиб, меҳнат жамоасининг конференцияси қарори асосида концернга айлантирилган эди.

Трестсиз бошқарув тизимига ўтиш бор-йўғи икки йил давом этди. Утган йилнинг ўрталаридан бошлаб яна бир ташкилий тузилма вужудга келди — «Узагростройг» таркибида Ўзбекистон колхоз қурилиши ташкилоти тикланди. Вилоятдаги қишлоқ қурилиши трестларидан бири ўша вақтда бу ташкилот ихтиёрига берилган эди.

Концернни тарқатиб юборишга нима асос қилиб олинди? Унинг ташкил этилиши ноҳуқуқий ва қишлоқ қурилиши самарадорлигини ошириш манфаатларига жавоб бермайди, деб ҳисобланди. У тугатилиши билан тегишли бошқарув аппаратлари бўлган трестлар қайта тикланди. Уйсозлик комбинати эса бевосита «Узагростройг» тизимига бўйсунадиган қилиб қўйилди.

Навбатдаги бу қайта тузишлар ўзини қанчалик оқлашини вақт кўрсатса керак. Ҳозирча эса қишлоқлардаги қурилишларни уюштиришда сезиларли ижобий силжишлар юз берганича йўқ. Ваҳоланки, қайта тузишга киришилганидан бери йилнинг бир чораги ўтди.

2-«Тошвилдеҳқурилиш» трестига қарашли ҳамма 8 та хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар жамоалари, бамисоли келишиб олинганидек, январь-февраль ойларида бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари режасини уддаламадилар. Ўз кучлари билан ҳам топшириқни бажара олмадилар. Фақат битта 11-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна режани бажаришда 75,6 фоиз натижага эришди, холос. Икки ой давомида бор-йўғи 316 минг сўмлик маблағ ўзлаштирди. Лекин шу давр ичида бирорта ҳам иморат фойдаланишга топширгани йўқ. Қолган кўчма колонналар эса ишлаб чиқариш дастурини 48—50 фоиз атрофида бажардилар. Январь ойида ҳам, февраль ойида ҳам қиш қишлигини қилмаган бўлса ҳам шундай бўлди. Демоқчимизки қурилиш ишларини кенг кўламда олиб бориш учун айтарли халақит бермади. 1-қурилиш трести ва уйсозлик комбинати ҳам йилни яхши бошламадилар. Март ойида ҳам айтарлик ўзгаришлар бўлгани йўқ. Бу ойнинг кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча орқада қолди.

Илгари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига ҳалақит берадиган қолоқ ва зарар кўриб ишлайдиган 9-, 23-, 27- ва 30-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар тугатилган бўлишига қарамай аҳволнинг ниқоятда аянчлилиги катта ташвиш туғдирмоқда. Бу колонналар Қорасув ва Қибрай ноҳияларида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишарди. Улар синган деб ҳисобланди ва ўтган йил бошида тугатилган эди. Ҳатто илгари қатор қурилишларни жадал ва сифатли олиб бориш билан тилга тушган механизациялашган колонналар ҳам январь-февраль ойларида ўз имкониятлари даражасида ишламадилар. Бу колонналар ўтган йили Оққўрғон, Пискент ва Бўка ноҳияларида салкам 8 минг квадрат метр саҳнли уйжойларни, Бўстонлиқ ноҳиясида болалар боғчасини бунёд этишди. Май ғишт заводи, қатор бошқа ишга тушириладиган иморатларни маблағ билан таъминлаш оқсамоқда. Буюртмачилар эса пудратчиларга лозим бўлган шартнома авансларини вақтида бермаяптилар. Бусиз ҳеч қандай қурилишни бошлаш мумкин эмас.

Қишлоқ қурувчилари яна бир мураккаб муаммога дуч келмоқдалар. Ҳозирги вақтгача қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари маҳсулотлари, механизаторлар ва транспортчилар хизматлари учун энг кўп йўл қўйилиши мумкин бўлган нархлар белгиланганича йўқ. Саноат маҳсулотига ягона нарх жорий қилинмаган. Автомобиль хизмати ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бунинг оқибатида пудратчи ташкилотлар қурилиш-монтаж ишларининг шартнома нархларини ўз вақтида белгилаш имкониятидан маҳрум бўлмоқдалар. Қандайдир дарди-бедаво давра юзага келдики, ундан қутулиб чиқиш жуда мушкул бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти ўзининг қонунлари ва ноқонуний иқлиқлари билан ҳукм сураётган шароитларда шундай аҳвол юз бермоқда.

Нархлар ҳам белгиланди дейлик. Шу билан муаммо ҳал бўладими? Афтидан ҳал бўлмаса керак. Чунки ҳозирги нарх-наво ниқоятда ошиб кетган бир шароитда кам рентабелли хўжалик ёки корхона, ҳар бир буюртмачи пудратчининг моддий-техника ресурсларига эркин нархларнинг жорий қилиниши билан вужудга келган барча қўшимча ҳаражатларини қоплаш имконига эга эмас.

• Буларнинг ҳаммаси пойтахт вилояти қишлоқ қурилишларида ҳам юзага келиб турипти. У пудрат ташкилотларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнат ресурслари ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишлари учун имкон бермаяпти. Бунинг оқибатида иш ҳақи камайди. Шу сабабли ҳам малакали бинокорлар ишдан бўшаб кетмоқдалар. Уларнинг камайиши ҳам қурилиш ишлари суръати ва сифатига албатта салбий таъсир қилади. Ҳозирги вақтда қурилишда шундай бир аҳвол таркиб топдики, кўпгина иморатлар маблағ билан таъминлаш манбаига эга эмас. Уни бунёд этаётганлар эса хизмат ҳақини ололмаяптилар. Айниқса, 1-«Тошвилдеҳқурилиш» тресттининг 7- ва 11-механизациялашган колонналари жамоалари оғир молиявий аҳволга тушиб қолди.

Қишлоқ қурилиши дастурини маблағ ва моддий-техника воситалари билан таъминлаш ниқоятда беқарор бўлиб қолган ҳозирги вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин? «Узагростройг» мажбурий тартибда қатор «Узагростройг» бошқарувининг яқинда чиқарган яна бир қарори эътиборни жалб қилади. «Қурилиш таннархини арзонлаштириш, камёб ва қимматбаҳо материалларни сарфлашни камайтириш бўйича чоралар тўғрисида»ги бу қарор жуда вақтида қабул қилинди. Унинг юзага келишига асосий сабаб нархларнинг эркин қўйиб юборилиши бўлди. Натижада материаллар ва конструкциялар, машиналар ва механизмлар, транспорт хизматининг нархи ошиб кетди. Бу эса ўз навбатида деҳқончилик саноати мажмуи кўпгина иморатларининг смета қиймати тўрт ва ундан ҳам кўпроқ ортишига олиб келди. Шундай бўлгач, етарли маблағга эга бўлмаган буюртмачилар қурилишни давом эттириш ёки тўхтатиш керакми, деган 'муаммога дуч келиб қолдилар. Албатта, рози бўлганлардан кўра воз кечганлар кўпроқ бўлмоқда. Демак, қурилиш ҳажмининг камайиш хавфи кучаймоқда. Шундай шароитларда қурилишни арзонлаштириш имкониятларини излаш, қимматбаҳо ортиқчаликлардан воз кечиш лозим. Буни қурилиш жараёнида иштирок этаётган барча томонлар ўртасида ўзаро келишув асосида қилиш лозим. Ўзбошимчалик билан қарор қабул қилиш ёки уни мажбуран ўтказиш эндиликда ҳеч қандай фойда бермайди.

Қишлоқ қурилишида таркиб топган аҳволнинг яхшиланиши кўп жиҳатдан пудратчи ташкилотлар жамоаларига, уларнинг тадбиркорлиги ва уддабурронлигига боғлиқ. Улар даромадларнинг қўшимча манбаларини қидириб топиш учун чет ташкилотларга фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини, ўз базаларини, ихтиёрларидаги техниканинг муайян қисмини ижарага бериб туришлари, истеъмолчиларнинг ресурсларидан бинокорлик материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари, муайян пул учун аҳолига турли-туман хизматлар кўрсатишлари мумкин. Ҳозирги вақтда фақат юқори ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг ёрдамини кутиб, қўлни қовуштириб ўтириш мумкин эмас. Бевосита қурилиш ташкилотларининг ўзлари буюртмачиларни қидириб топишлари ва пудрат ишларининг улар томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган шартларини таклиф этишлари лозим. Уларни кутиб, вақтни бекор ўтказишлари, имкониятларни бой беришлари мумкин.

Вилоятимизнинг қишлоқ қурилиш мажмуаси мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Бироқ шунга қарамай бу вазиятдан чиқиш йўлини қидириш лозим. Бу ишда пудратчилар ва буюртмачилар, бинокорлик материаллари саноати корхоналари ва транспорт хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари, мавжуд кучларини бирлаштиришлари зарур. Давр шуни тақозо этмоқда.

**И. АҲМЕТОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

## ТАШАККУРНОМА

ТОШКЕНТ вилояти Тинчлик жамғармаси жамоаси улуғ айём Ҳайит кунларида кўпболали ва камқувватли оилаларга ҳайрия тариқасида озиқ-овқат маҳсулотларидан улашдилар. Жумладан, пойтахт шаҳар Собир Раҳимов ноҳиясидаги «Алоқа», Ҳофиз Кўҳакий ва Муқимий номли маҳаллалар аҳли бундай меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлдилар. Бу маҳаллаларда истиқомат қилувчи оқсоқоллар саҳий жамоа ҳақига кўпдан-кўп дуо қилдилар ва рўзномамиз орқали вилоят Тинчлик жамғармаси жамоасига ўз миннатдорчиликларини билдиришни сўрадилар.

# «ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЭГАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ» ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТИ БЎЙИЧА САВОЛ-ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

**ТАДҚИҚОТЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА**

Тўлдирилган кун _____ Тадқиқот _____

Актлар рақами _____

Интервьюер _____

Ўрганиш манбаи _____

1. Шаҳар, ноҳиянинг номи _____
01 02 03 04 05 06 07 08 09 10 _____

2. Ўрганилаётган шахсий томорқа хўжалиги жойлашган қишлоқнинг номи _____
01 02 03 04 05

3. Шахсий томорқа хўжалигига ажратиб берилган ер участкасининг ҳақиқий ҳажми. Неча сотих эканлиги ёзилади.
_____ сотих
01 02 03 04 05

4. Шахсий томорқа хўжалиги эгаси ўз оиласи эҳтиёжи учун ер участкаси ҳажми қанча бўлиши лозим деб ўйлайди:
Ёзинг:
_____ сотих
01 02 03 04 05

5. Шахсий ҳовлини тартибга солиш билан оиланинг неча аъзолари машғул?
_____ киши
01 02 03 04 05

6. Участкадан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шаҳодатноманинг қўлда бор-йўқлиги
01 — қўлда бор
02 — қўлда йўқ

7. Ер участкаси қачон берилган ва қачондан буён шахсий томорқа хўжалиги ҳисобланади? Қачондан буён фойдаланиб келиняпти.
_____ ой ва йили кўрсатилади
01, 02, 03, 04, 05

8. Ер участкаси қачондан буён ишлатиляпти?
_____ ой ва йили кўрсатилади
01, 02, 03, 04, 05

9. Участканинг сув ресурслари билан таъминланганлиги (жавобнинг бир неча турлари кўрсатилиши мумкин).
01 — суғориш шахобчалари бор
02 — водопровод ичимлик суви бор
03 — қудуқ бор
04 — ташиб келинадиган сув бор
05 — ёғингарчилик ҳисобига суғориш иншоотлари бор.

10. Маълумот берувчи Ўзбекистон Президентининг «Шахсий томорқа хўжалиги эгалари — деҳқонларга молиявий ёрдамлашиш ва улар ассоциацияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида»ги Фармонининг ўз шаҳри ёки қишлоғида бажарилишини қандай баҳолайсиз?
01 — Фармон қониқарли бажариляпти
02 — суст бажариляпти
03 — мутлақо бажарилмаяпти
04 — жавоб беришга қийналаман

11. Қишлоғингиз аҳолисига асосан қандай жойлардан ер участкалари ажратилди?
01 — асосан янги мавзелардан
02 — асосан эски ҳайдаладиган ерлардан
03 — ҳам янги, ҳам эски ҳайдаладиган ерлардан

12. Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти Фармонига мувофиқ ер участкалари ажратиш масалаларида ижтимоий адолатга амал қилиняптими?
01 — одатда, амал қилиняпти
02 — ҳамма вақт ҳам амал қилинмаяпти
03 — одатда амал қилинмаяпти.

13. Қишлоғингизда ер участкалар тақсимоти ва бошқа муаммоларни ҳал этишда тортишув, эътирозлар юзага келяптими?
(ем-хашак, ўғит, техника ва бошқаларни ажратишда?)
01 — юзага келяпти
02 — юзага келмаяпти
03 — билмайман

14. Агар шундай тортишув ва эътирозлар бўлса, уларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Бир неча сабаблар келтирилиши мумкин.
01 — амалдаги навбатларга риоя қилинмаслик
02 — участка миқдорини камайтириш
03 — ёмон жойдан ер ажратиш
04 — уйдан узоқдан участка ажратиш
05 — бошқа сабаблар _____

15. Кўп ҳолларда ер участкаларидан юксак самара билан фойдаланиш мумкин эди, бироқ бўш ётган ерлар оз эмас. Қишлоғингизда ана шундай хўжасиз участкалар кўпми?
01 — бундай участкалар кўп
02 — бундай участкалар бор, лекин кўп эмас
03 — бундай участкалар деярли йўқ
04 — жавоб беришга қийналаман

16. Шахсий томорқа хўжалиги ва улар ассоциацияларининг ривожланиши қуйидаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашади деб ҳисоблайсизми?
Жумҳуриятда озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишга
01 — ишонаман
02 — ишонмайман
03 — жавоб бериш қийин
Қишлоқ жойларида уй-жой муаммоларини ҳал этишга
01 — ишонаман
02 — ишонмайман
03 — жавоб бериш қийин
Қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлашга
01 — ишонаман
02 — ишонмайман
03 — жавоб бериш қийин

17. Қишлоғингизда шахсий томорқа хўжаликлари эгалари кўпроқ нималарга эҳтиёж сезадилар? Илтимос, шуни ойдинлаштириб беринг.

| | жуда зарур | унча зарур эмас | зарур эмас |
|---|---|---|---|
| — кичик ҳажмдаги техника | 1 | 2 | 3 |
| — боғдорчилик томорқа инвентари | 1 | 2 | 3 |
| — қурилиш материаллари | 1 | 2 | 3 |
| — полиэтилен плёнкалари | 1 | 2 | 3 |
| — минерал ўғитлар | 1 | 2 | 3 |
| — сабзавот маҳсулотлари уруғи | 1 | 2 | 3 |
| — мевали дарахт кўчатлари | 1 | 2 | 3 |
| — ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари | 1 | 2 | 3 |
| — сабзавот-полиз маҳсулотлари қабул пунктлари | 1 | 2 | 3 |
| — бузоқлар | 1 | 2 | 3 |
| — сут қабул пунктлари | 1 | 2 | 3 |
| — қўй-улоқлар | 1 | 2 | 3 |
| — жун, тери ва иккиламчи маҳсулотлар қабул пунктлари | 1 | 2 | 3 |
| — ем (омихта ем, кунжара, шелуха) | 1 | 2 | 3 |
| — ҳўл ўт ва хашак | 1 | 2 | 3 |
| — зооветеринария хизмати | 1 | 2 | 3 |
| — агрономлик хизмати | 1 | 2 | 3 |
| — насослар, суғориш қувурлари | 1 | 2 | 3 |
| — газлаштириш | 1 | 2 | 3 |
| — электрлаштириш ва бошқалар (нима зарур бўлса ёзиб қўйинг) | 1 | 2 | 3 |

_____
_____
_____

18. Шаҳар ва қишлоқларда белгиланган хизмат ҳақига шахсий томорқа хўжаликлари эгаларига хизмат кўрсатадиган махсус хизмат кўрсатувчи жойлари ва устахоналар очилишига қандай қарайсиз?
01 — ижобий
02 — салбий
03 — жавоб беришим қийин

19. Пуллик хизмат ва устахоналар очилиши мақсадга мувофиқ деб билсангиз, қандайлари очилишини истайсиз?
01 — кичик техник ва қишлоқ хўжалик инвентарлари прокат пунктлари
02 — кичик техника ва қишлоқ хўжалик инвентарлари ремонти устахоналари
03 — ахборот (юридик, иқтисодий, маслаҳат) хизматлари
04 — агрономик хизмати
05 — зооветеринария хизмати
06 — сув қурилиши участкалари
07 — майиший радио-телеускуналар, велосипедлар, тикув машиналари, болалар аравачалари ремонти бўйича устахоналар ва шунингдек вулканизациялар.
08 — кийим-кечакларни ювиш, кимёвий тозалашга қабул қилиш пунктлари
09 — пойабзал ремонти пунктлари
10 — сартарошхоналар
11 — енгил автомашиналарга хизмат кўрсатиш станциялари
12 — темирчилик цехлари
13 — тикувчилик цехлари
14 — бошқа хизмат турлари ва бўлинмалари (айнан қайсилигини ёзиб қўйинг).

20. Сизнингча шахсий уйлар қандай қурилгани маъқул?
01 — ўз кучи ёки хашар йўли билан
02 — давлат қурилиши ташкилотлари билан
03 — қурилиш кооперативлари томонидан
04 — бошқа йўл билан (қандайлигини ёзиб қўйинг)

21. Шаҳар, ноҳия қурилиш-ремонт ташкилотлари фаолиятини қандай баҳолайсиз?
01 — ижобий
02 — салбий
03 — жавоб беришим қийин

22. Сизнингча бевосита ноҳия (жамоа ва давлат хўжалигида) қандай қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйса бўлади, ёзиб қўйинг _____

23. Юкларни ташиш хизматини қандай баҳолайсиз?
01 — ижобий
02 — салбий
03 — жавоб беришим қийин.

24. Уйингиз қандай бўлишини истардингиз?
01 — якка тартибдаги лойиҳа бўйича
02 — типовой лойиҳа бўйича
03 — мен учун бунинг аҳамияти йўқ

25. Шахсий томорқа хўжаликлари ассоциацияси аъзосимисиз?
01 — ҳа
02 — йўқ

26. Ана шундай ассоциацияларнинг барпо этилиши шахсий томорқа хўжаликлари эгалари бугун дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади, деб ўйлайсизми?
01 — ўйлайманки, ёрдам беради
02 — ўйлайманки, ёрдам бермайди
03 — жавоб беришим қийин

27. Қуйидаги масалаларга қандай қарайсиз?:
а) сабзавот ва мева савдоси бўйича шахсий дўконлар очилишига
01 — ижобий
02 — салбий
03 — жавоб беришим қийин
б) — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган шахсий корхоналар очилишига
01 — ижобий
02 — салбий
03 — жавоб беришга қийналаман

28. Қайси тайёрлов системасининг корхоналарига ўзингизнинг ортиқча маҳсулотларингизни сотишни хоҳлардингиз?
01 — мева, сабзавот ва узум саноати концернига
02 — кооператив тайёрлов саноат савдосига
03 — шахсий томорқа хўжалиги эгалари ассоциациясига

29. Участкада қайси қишлоқ хўжалиги экинларидан фойдаланилади:
а) шахсий истеъмол учун _____
б) сотиш учун _____

30. Участкадаги уй ҳайвонлари:

| | умумий сони | шундан: шахсий эҳтиёж учун | шундан: сотиш учун |
|---|---|---|---|
| от | | | |
| мол | | | |
| бузоқ | | | |
| эчки | | | |
| қўй | | | |
| чўчқа | | | |
| қуён | | | |
| товуқ | | | |
| жўжа | | | |
| ўрдак | | | |
| ғоз | | | |

31. Ем-хашак билан таъминланганми?
01 — тўлиқ таъминланган
02 — қисман таъминланган
03 — таъминланмаган

32. Хўжалик эгасида зотли ҳайвон борми?
01 — бор
02 — йўқ

33. Зооветпункт хизматига мурожаат қиласизми?
01 — тез-тез мурожаат қиламан
02 — аҳён-аҳёнда мурожаат қиламан
03 — йўқ

34. Хўжалик эгасининг фикрича уй ҳайвонларини намунали боқишга нималар тўсқинлик қилади, қандай ёрдамга муҳтожсиз?
а) _____
б) _____
в) _____

35. Шахсий хўжалик ишлари билан банд бўлган оила аъзолари
ҳар куни ўртача неча соат ишлайди

| | иш тури |
|---|---|
| Ота | |
| Она | |
| Катта ота | |
| Катта буви | |
| Ўғиллар: | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| Қизлар: | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| Шу хонадонда яшовчи бошқа қариндош-уруғлар: | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |
| _____ ёш | |

36. Шахсий хўжаликда қайси оғир ишларни бажаришда ҳақ тўлаш ҳисобига ишчи кучи ёллайсиз?

| иш турлари | ишчи ёллаган | ишчи ёлланмайди |
|---|---|---|
| ер ҳайдаш вақтида | 01 | 02 |
| қурилиш ишларида | 01 | 02 |
| экинларнинг парваришида | 01 | 02 |
| бегона ўтларга қарши курашда | 01 | 02 |
| ҳайвонларни боқишда | 01 | 02 |
| ҳосилни йиғиштиришда | 01 | 02 |
| ҳосилни сотишда | 01 | 02 |

37. Участкада қурилиш, қурилмалар:

| қурилмалар турлари | қурилгани | қурилмоқда | қурилишини режалаштириш | қурилмайди |
|---|---|---|---|---|
| Уй-жой | 01 | 02 | 03 | 04 |
| гараж | 01 | 02 | 03 | 04 |
| ҳаммом | 01 | 02 | 03 | 04 |
| устахона | 01 | 02 | 03 | 04 |
| хўжалик бостирмаси | 01 | 02 | 03 | 04 |
| ёзги ошхона | 01 | 02 | 03 | 04 |
| теплица | 01 | 02 | 03 | 04 |
| парник (ёпиқ холдагиси) | 01 | 02 | 03 | 04 |
| плёнка билан тўсилган | 01 | 02 | 03 | 04 |
| молхона | 01 | 02 | 03 | 04 |
| товуқхона | 01 | 02 | 03 | 04 |

38. Одатда зарурий қурилиш материалларини қаердан оласиз?
(Илтимос, камида 3 та жавобни белгиланг).
01 — давлат савдо магазинларидан
02 — матлубот кооперацияси системаси магазинларидан
03 — қурилишдан
04 — омбордан
05 — ташкилотлар омборларидан
06 — танишлар ва дўстлардан
07 — бозордан
08 — яна қаердан _____

39. Уйнинг дастлабки архитектура лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек участкани планировка қилиш мақсадга мувофиқми?
01 — ҳа
02 — йўқ

40. Қуйидаги қурилиш ресурслари сизга зарурми?

| | ҳа | йўқ |
|---|---|---|
| | 01 | 02 |
| | 01 | 02 |
| асфальт | 01 | 02 |
| бетон | 01 | 02 |
| ғишт | 01 | 02 |
| шағал | 01 | 02 |
| шифер | 01 | 02 |
| тахта, ёғоч | 01 | 02 |
| фанера | 01 | 02 |
| рабица тури | 01 | 02 |
| қувур | 01 | 02 |
| металл қувурлари | 01 | 02 |
| бўёқ | 01 | 02 |
| кўмир металли | 01 | 02 |
| швеллар | 01 | 02 |
| оҳак | 01 | 02 |
| ганч | 01 | 02 |
| цемент | 01 | 02 |
| қора қоғоз | 01 | 02 |
| рубероид | 01 | 02 |
| черепица | 01 | 02 |
| кафель плиталар | 01 | 02 |
| метлах плиталар | 01 | 02 |
| дераза ойналари | 01 | 02 |
| линолеум | 01 | 02 |
| обойлар | 01 | 02 |
| таянч арматуралар | 01 | 02 |
| сантехник ускуналар | 01 | 02 |
| электрлаштириш ускуналари | 01 | 02 |
| мих, пармали мих | 01 | 02 |

41. Шартнома нархида зарурий қурилиш материалларини сотиб оласизми?
01 — ҳа
02 — йўқ
03 — нархини билмасдан бирор нарса дейиш қийин

42. Участка бошлиғи ёрдам сўраб ноҳия архитекторига мурожаат қилганми?
01 — ҳа
02 — йўқ

43. Техник воситаси, қишлоқ хўжалик инвентари турлари

| | бор | йўқ | сотиб олишни хоҳлайсизми? ҳа | йўқ |
|---|---|---|---|---|
| кичик трактор | 01 | 02 | 03 | 04 |
| моторли культиватор | 01 | 02 | 03 | 04 |
| электр сепаратор | 01 | 02 | 03 | 04 |
| электр насоси | 01 | 02 | 03 | 04 |
| сигир соғиш аппарати | 01 | 02 | 03 | 04 |
| лопата | 01 | 02 | 03 | 04 |
| кетмон | 01 | 02 | 03 | 04 |
| хаскаш | 01 | 02 | 03 | 04 |
| суғориш ичаклари | 01 | 02 | 03 | 04 |

44. Ўзбекистон Жумҳурияти Президентининг Фармонига кўра шахсий томорқа хўжаликлари эгаларига ажратилган қисқа муддатли имтиёзли кредитлардан қандай фойдаланиляпти?
01 — тупроқ унумдорлигини ошириш учун
02 — ерни текислаш учун
03 — сув келтириш учун
04 — уруғлик, кўчат сотиб олиш учун
05 — минерал ўғит сотиб олиш учун
06 — ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари учун
07 — ёнилғи мойлаш, идиш-коп. материаллари учун
08 — ем сотиб олиш учун
09 — бошқа ресурслар учун (ёзиб қўйинг).
_____
_____

Узоқ муддатли кредитлар:
10 — чорва ҳайвони ва парранда сотиб олиш учун
11 — ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва реконструкция қилиш учун
12 — қишлоқ хўжалиги техникалари, транспорт воситалари олиш учун
13 — мутлақо фойдаланилмаяпти.

45. Хўжаликнинг транспорт воситалари:

| | бор | йўқ |
|---|---|---|
| автомашина | 01 | 02 |
| трактор | 01 | 02 |
| мотоцикл | 01 | 02 |
| мотороллер | 01 | 02 |
| велосипед | 01 | 02 |
| от-арава | 01 | 02 |
| прицеп | 01 | 02 |
| тележка | 01 | 02 |

46. Ҳовлингиздан қанча масофа асфальт ёки тош йўл ётқизилган?
01 — дераза тагидан
02 — ҳовлидан 100 метр нарида
03 — ҳовлидан 0,5 км нарида
04 — ҳовлидан 1 км нарида
05 — ҳовлидан 2—3 км. нарида
06 — ҳовлидан 3—5 км. нарида
07 — ҳовлидан 6 км. дан ортиқ масофада

47. Қуйидаги жойларга бориш учун қайси турдаги транспорт воситаларидан фойдаланасиз?

| | масофа (км) | шахсий транспорт | жамоат транспорти |
|---|---|---|---|
| совхоз, колхоз маркази | _____ | 01 | 02 |
| болалар боғчаси | _____ | 01 | 02 |
| мактаб | _____ | 01 | 02 |
| почта | _____ | 01 | 02 |
| жамғарма банки | _____ | 01 | 02 |
| телефон | _____ | 01 | 02 |
| касалхона | _____ | 01 | 02 |
| бозор | _____ | 01 | 02 |
| клуб | _____ | 01 | 02 |
| магазин | _____ | 01 | 02 |

48. Участка эгаси ўз маблағини жамғарма банкида сақлайдими?
01 — ҳа
02 — йўқ

49. Жамғарма пулига, молиявий ресурсларга харид қилиш мумкин:
01 — 500 сўмгача
02 — 3000 сўмгача
03 — 5000 сўмгача
04 — 5000 сўмдан ортиқ

50. Сиз яшаган қишлоқ (шаҳар)да бой кишилар борми?
01 — бор
02 — йўқ
03 — бирон нарса дейишим қийин

51. Сизнингча бадавлат кишиларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак?
01 — одатдагидек инсон сифатида
02 — бадавлат кишилар ўз бойликлари билан кўпчиликнинг ғашига тегяпти
03 — бадавлат кишилар бойликни ҳалол йўллар билан топса, аҳамият бермаслик керак
04 — бойликни фақат турли қилвирликлар билан топиш мумкин
05 — ҳамма тенг бўлиши керак
06 — бадавлат кишилар қанча кўп бўлса, халқ яхши яшайди
07 — яна нима? _____

52. Ўзингиз ҳақингизда маълумот беринг.
Жинсингиз:
01 — эркак
02 — аёл

53. Ёшингиз:
01 — 20 ёшгача
02 — 20—24 ёш
03 — 25—29 ёш
04 — 30—39 ёш
05 — 40—49 ёш
06 — 50—59 ёш
07 — 60—69 ёш
08 — 70 ёш ва ундан юқори

54. Яшаш жойингиз:
01 — қишлоқда
02 — ноҳия (посёлка) марказида
03 — шаҳар марказида

55. Маълумотингиз:
01 — 9 синфгача
02 — 10—11 синф
03 — махсус ўрта
04 — олий
05 — илмий даража
06 — маълумотли эмас

56. Оилангиз:
01 — ёлғиз ўзим
02 — 2 киши
03 — 3 киши
04 — 4 киши
05 — 5 киши
06 — 6 киши
07 — 7 киши
08 — 8 киши
09 — 9 киши
10 — 10 киши ва ундан ортиқ

57. Оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад.
(Ёш болалар ҳам инобатга олинади).
01 — 50 сўмгача
02 — 51—75 сўм
03 — 76—100 сўм
04 — 101—125 сўм
05 — 126—150 сўм
06 — 151—200 сўм
07 — 201—250 сўм
08 — 251—400 сўм
09 — 401 сўм ва ундан ортиқ
10 — жавоб беролмайман

58. Оилангизга (ҳар бир аъзо ҳисобига ойига) бугун бамайлихотир ҳаёт кечириш учун қанча пул керак бўлади?
01 — 100 сўмгача
02 — 100—150 сўм
03 — 151—200 сўм
04 — 201—250 сўм
05 — 251—300 сўм
06 — 301—400 сўм
07 — 401—500 сўм
08 — 501—600 сўм
09 — 601—700 сўм
10 — 751—1000 сўм
11 — 1000 сўмдан ортиқ

59. Қишлоғингизда жойлашган озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларининг хизмат кўрсатиш даражасига баҳо беринг.
01 — қониқарли
02 — қониқарсиз
03 — бирор нарса дейиш қийин

60. Шаҳрингиздаги, қишлоғингиздаги медицина хизматини қандай баҳолайсиз?
01 — яхши
02 — қониқарсиз
03 — бирор нарса дейиш қийин

61. Қўшимча участка олгандан сўнг оилангизда овқатланиш ўзгардими?
01 — сезиларли яхшиланди
02 — бироз яхшиланди
03 — ўзгаргани йўқ
04 — бироз ёмонлашди
05 — сезиларли ёмонлашди
06 — бирор нарса дейиш қийин

62. Сизнингча деҳқон бозори кимнинг ихтиёрида бўлиши керак?
01 — давлат савдоси ихтиёрида
02 — матлубот жамиятлари ихтиёрида
03 — кооператив тайёрлов саноат савдоси ихтиёрида
04 — шахсий томорқа хўжалиги эгалари савдоси ихтиёрида
05 — менга бунинг аҳамияти йўқ

63. Оилангизда қуйидаги рўйхатдан нималар борлигини белгилаб қўйсангиз. Илтимос, жавобингизда фақат бор нарсаларни кўрсатинг.
01 — рангли ойнаи жаҳон
02 — қора-оқ кўрсатувчи ойнаи жаҳон
03 — автомобиль
04 — мотоцикл, мотороллер
05 — магнитофон, проигрыватель
06 — радиомагнитофон
07 — мебель гарнитури (яшаш хонаси, ётоқ жойи, меҳмонхона ва бошқалар).
08 — уй кутубхонаси (300 ва ундан ортиқ китоб)
09 — кир ювиш машинаси
10 — музлатгич
11 — дала ҳовли
12 — кўрсатилганларидан бирортаси ҳам йўқ

64. Уйингиз қандай коммунал қулайликлар билан таъминланган?
01 — водопровод
02 — марказлашган иситиш системаси
03 — иссиқ сув таъминоти
04 — ванна, душ
05 — канализация
06 — газ, газ плитаси
07 — электр плитаси (доимий)
08 — ахлат қувури
09 — телефон
10 — гараж
11 — кўрсатилганлардан бирортаси ҳам йўқ

65. Шахсий томорқа хўжаликлари эгалари ассоциацияси қошида кичик корхоналар ва халқ ҳунармандчиликлари ташкил этилишига қандай қарайсиз?
01 — ижобий
02 — салбий
03 — бирор нарса дейиш қийин.

Агар Сиз жамоатчилик фикрини билиш хизматининг кейинги тадқиқот ишларида иштирок этишни ва ундан почта орқали анкеталарни олишни истасангиз, адресингизни кўрсатинг.

Индекс _____ шаҳар, ноҳия _____
Ф. И. О. тел.
Анкеталарни қайси тилда олишни истайсиз:
ўзбек тилида;
рус тилида.
(тагига чизиб кўрсатинг)

Ҳамкорлик учун яна бир бор ташаккур!

Илтимос, тўлдирилган анкеталарни конвертга солиб, устига қуйидаги адресни ёзиб жўнатинг:
700128, Тошкент ш. а/я 1905, тел: 67-29-39.
Жамоатчилик фикрини ўрганиш хизмати.

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ АГЕНТЛИГИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ХИЗМАТИ**
**ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЭГАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АССОЦИАЦИЯСИ**

# «СОҲИБҚИРОН ТЕМУР»НИНГ ТУҒИЛИШИ

**ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА УЛУҒ САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА САҲНА АСАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА**

ЕТМИШ-етмиш беш йил давомида бизларни мутелик ва итоатгўйликка ўргатишди, миллий қадриятларимизни оёқости қилишди, халқимизнинг ғурури ва ифтихори бўлган бобокалонларимизнинг муборак номларига лой чаплаб, тарих саҳифаларидан ўчирмоқчи бўлишди. Улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурни ёш авлод онгига «қонхўр ва босқинчи» деб сингдиришди. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлганидек, охир-оқибатда кўз олдимиздан «коммунистик мафкура» деб аталмиш қора парда кўтарилди. Бугун биз узоқ вақт қоронғи зиндонда ётган, энди эса озодликка чиқиб, кўзи ҳали ёруғликка кўника олмаётган маҳбус сингари ўз йўлимизни излаб турибмиз. Келажак тақдиримиз эса йўлбошловчи ва раҳнамоларимизга боғлиқ. Мана шу долзарб масалада маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги бўлмиш театр санъати ҳам бу борада ўз сўзини айтиши, муносабатини билдириши лозим. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри жамоасининг Амир Темур ҳақида саҳна асари яратишга журъат этгани ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.

Аввало таъкидлаш керакки, шу пайтга қадар ўзбек драматургиясида бу мавзуда пьесанинг йўқлиги, саҳнада Амир Темур сиймоси яратилмаганлиги, ўтган йили Қашқадарё вилоят театри Тўра Мирзо пьесаси асосида саҳналаштирган «Амир Темур» спектаклидан пойтахт жамоатчилиги бехабарлиги бу масаланинг ниҳоятда мураккаб эканлигини кўрсатади, албатта. Шунга қарамай, отахон театр санъаткорлари бу эзгу ва шарафли ишга жазм этиб, инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марло (1564—1593)нинг икки қисмдан иборат «Буюк Темурланг» (1587—88) фожиасига мурожаат қилдилар. Шуни айтиш керакки, бу асар ҳалигача Англияда машҳур бўлиб, Лондон театри ўзининг ҳар янги мавсумини ана шу саҳна асари билан очса-да, моҳиятан олганда бу пьесада афсонавий ва романтик бўёқлар кучли бўлиб, бадиий тўқима етакчилик қилар эди. Шу боисдан санъаткорлар режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев раҳбарлигида Марло пьесасига ижодий-танқидий ёндашишга, Амир Темур сиймосини бугунги томошабинларнинг маънавий эҳтиёжларига мослаб яратишга аҳд қилдилар. Бунинг учун авваллари ва кейинги пайтларда чоп этилган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган «Темур тузуклари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Р. Г. Клавихонинг «Буюк Темур тарихи», Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» сингари асарларида тасвирланган улуғ Соҳибқироннинг қиёфасига оид чизгилар, тарихий, воқеа-ҳодисалар ва деталлар асос қилиб олинди. Бу борада спектаклнинг ҳомийси — «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, филология фанлари номзоди Асрор Самад театр жамоасига яқиндан кўмак бериб, пьесани Марло оҳангларини асосида қайтадан ёзиб чиқди. Ва бунга театрнинг етакчи санъаткорлари ҳам кўмаклашдилар.

— Мен ўз ижодий фаолиятим давомида ҳам актёр, ҳам режиссёр сифатида жуда кўп саҳна асарлари билан танишиб чиққанман, — дейди «Соҳибқирон Темур» спектаклининг саҳналаштирувчи режиссёри Карим Йўлдошев.— Ҳар бир чинакам режиссёр бир кунмас —бир кун Шекспир даҳосидан

**• Пойтахт театрларида**

баҳраманд бўлмоғи, унинг асарларига етиб бормоғи шарт. Шу боисдан ҳам бу изланишлар охир-оқибатда мени Шекспир асарларига мурожаат этишга даъват этди. Бу эзгу ниятимни амалга ошириш мақсадида атоқли драматургнинг «Макбет» фожиасини танладим. Унинг рус ва ўзбек тилларига ўгирилган турли вариантлари билан танишиб чиққач, ниҳоят Саъдулла Аҳмад таржимасига тўхталдим. Ўтган йили бу ижодий режамни Ҳамза номли театр директори Санъат Девоновга билдирганимда, у киши ҳам буни қўллаб-қувватладилар. Бироқ мамлакатимизда содир бўлган кескин ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинганлиги театр жамоасининг ҳам ижодий режаларини тубдан ўзгартириб юборди. Шу тариқа театр директори менга ижодий жамоанинг Амир Темур ҳақида асар яратиш нияти бор эканлигини билдириб, К. Марлонинг пьесаси билан танишиб чиқишимни илтимос қилди. Хуллас, мана бир неча ойки, биз санъаткорлар билан «Соҳибқирон Темур» драмаси устида қизғин иш олиб бораяпмиз...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Карим Йўлдошев театр санъатига энди қадам қўяётган ижодкор эмас. У ўзининг меҳнат фаолиятини Наманган театридан бошлаган. Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати олий билимгоҳида И. В. Радун, Ҳамза театрида эса А. Гинзбург, Тўла Хўжаевдан таълим олган. Наманган театрида Ч. Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим», В. Гюгонинг «Қиролнинг дилхуши», Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима», Ф. Шиллернинг «Қароқчилар», С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», С. Жамолнинг «Гули сиёҳ», И. Махсумнинг «Навоий Астрободда» спектакларини саҳналаштирган. Сўнгра Москвада олий режиссёрлик курсида ўқиган ва Ленин комсомоли номли Москва театрида Арбузовнинг «Ишонч, ният ва муҳаббат» драмасини қўйган. 1975—1986 йилларда эса Қашқадарё вилоят театрида режиссёр сифатида ижод қилиб, А. Упитнинг «Ғурбат фарзанди», М. Шатровнинг «Инқилоб номи билан», Э. Радзинскийнинг «Суқрот», В. Дельмарнинг «Ғариблар», Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» асарларини саҳналаштириб, театр мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозонган.

— Отахон театр саҳнасида Амир Темур сиймосини яратиш каминага насиб этгани — Оллоҳ таолонинг менга юборган бебаҳо инъомидир, — дейди Карим Йўлдошев. — Бунинг учун мен ўз ҳамкасбларим орасида энг бахтиёрман. Айни пайтда буюк Соҳибқирон образини саҳнага олиб чиқиш осон бўлмаётганини ҳам таъкидлашим керак. Темурнинг саркардалик фаолияти кўпчиликка маълум, шу боисдан биз унинг кўпроқ инсоний фазилатларини очишга ҳаракат қиляпмиз. Биз тайёрлаётган спектаклда воқеа-ҳодисаларнинг аниқ санаси йўқ, макон ва замон тушунчаси нисбий. маънода олинган. Темур ва унинг атрофидаги кишиларнинг образларини рамзий шаклда кўрсатиб беришга интилаяпмиз. Соҳибқироннинг дингга муносабатига ҳам алоҳида урғу берилади. Маълумки, Марло қаламига мансуб пьесада Темур ўзининг энг севимли рафиқаси Чўлпонойни хиёнат қилгани учун ўз қўли билан ўлдиради. Биз бу фожиавий воқеани тарихий фактларга яқин қилиб олдик. Буюк саркарда ва давлат арбоби образини яратишда, айниқса, Соҳибқироннинг ўзи томонидан ёзилган «Тузуклар»ига суяндик. Менимча, бу китобни Наполеон, Гитлер ва Сталин ҳам ўқишган ва ундан ўз фаолиятларида фойдаланишган. Агар ҳокимият раҳбари қаттиққўл бўлмаса, уни салтанат душманлари осонликча еб ташлашади, деган тушунча улар дастуруламалининг негизини ташкил қилган. Бироқ Темурнинг бу машҳур китобини Горбачёв ўқимаган кўринади...

Ҳа, шу кунларда Ҳамза номли театр жамоаси ва унинг чиқакам мухлислари зўр ҳаяжон ва интизорлик билан яшашмоқда. Улар тез кунларда икки қисмдан иборат «Соҳибқирон Темур» драмасининг илк намойишини томоша қиладилар. Бу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун театрнинг ҳамма ижодий кучлари сафарбар этилган.

**Рустам ҒАНИЕВ.**

СУРАТДА: спектакль ижодкорларидан бир гуруҳи. Суратқаш К. Ромеев.

СУРАТЛАРДА: Наврўз тантаналаридан лавҳалар. Д. АҲМАД суратлари.

# МЕҲР КЎЗДАДИР, КЎЗДА...

**ЗАНГИ ОТА НОҲИЯСИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАСИ ФАЙЗЛИ, ЗАВҚЛИ ВА ШУКУҲЛИ ЎТДИ.**

ДЕЙДИЛАРКИ, инсоннинг инсонийлиги бир-бирига бўлган меҳр-мурувати, оқибатлилиги билан улуғдир. Меҳр эса сўзда эмас, кўздадир. Демакки, биз ҳар дамни ғанимат билиб, дийдорлашиб, учрашиб, суҳбатлашиб, самимий мулоқотларда бўлиб турсак, бу ажойиб фазилат ҳамиша сайқал топиб чирой очаверади. Меҳр булоғи жўш уради ва ундан ҳамма баҳра олади. Меҳр бор жойда эса кучлар, имкониятлар бирлашади, уюшади, ғам-андуҳ чекинади. Муаммолар енгилади, эзгулик, яхшилик доимо устун келади.

Халқимизнинг қадимий анъанасига мувофиқ ўтган душанба куни фабрикада бўлиб ўтган Наврўз, тантанасида қатнашганимда ҳаёлимда ана шундай ҳислар чарх урди.

Ҳамма ёқда байрамона кайфият ҳукмрон эди. Фабриканинг клуби олдидаги очиқ майдонга стол-стуллар қўйилиб, ён атрофлар безатилди. Дастурхон турли хил ноз-неъматлар билан тузалган. Бу ерга эрталабдан бошлаб ясангантусанган одамлар кела бошладилар. Шундоқ қараш-даёқ фабрикада турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилиб келаётганликларини билиб оласиз. Ўнг томонда қозоқларнинг ўтови тикиб қўйилибди. Ўтов олдида миллий таомлар пиширилиб тарқатилмоқда. Корейслар, қрим татарлари ва уйғурлар ҳам Наврўзга ташриф буюрганларга байрамга атаб тайёрлаб келган миллий таомларидан татиб кўришни таклиф этмоқдалар.

Соат бирларга яқин Наврўз тантаналари бошланганлигидан дарак берувчи даъватлар янграйди. Карнай-сурнайларнинг садолари узоқ-узоқларга таралади.

Ҳамма ерда бўлаётганидек, бу ерда ҳам Наврўз тантанаси олдидан ўтганларнинг руҳини ёд этиб, Қуръон тиловат қилинди.

Сўнг байрамга меҳмон бўлиб келган Мовароуннаҳр мусулмонлари Диний бошқармасининг раиси Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга сўз берилди. У мўмин-мусулмонлар номидан бу ерга тўпланганларни Наврўз айёми билан қизғин қутлади. Мусулмонлар миллат ажратмайдилар. Ҳамма миллат ҳам худонинг бандаси. Лекин очиқ айтиш керак, айрим ҳолларда буни унутиб қўямиз, тушунмаймиз, нотўғри қиламиз. Ўзни тан олиб, бошқа миллатни камситиш бу Қуръонга зид—гуноҳ иш ҳисобланади. Ҳозирги қийин шароитда бу қимматга тушади. Муфти ҳазратлари ҳозир, уюшиб, аҳил ва иноқликда меҳнат қилиб, турмуш кўндаланг қилиб қўяётган муаммоларни енгиш муҳим вазифа эканлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг яшариш, янгиланиш, покланиш рамзи бўлган Наврўзой ташриф буюрди...

Минбарга фабрика вакиллари — илғор ишчилар бўлган қозоқ, қирғиз, уйғур, ўзбек, татар қизлари ўз миллий кийимларида кўтариладилар ва ўз тилларида жамоани Наврўз байрами билан қутлайдилар. Шеърлар ўқийдилар, алёрлар айтадилар. Шу аснода тантаналар авжга чиқа бошлайди.

Шоир Эркин Воҳидовни байрамга келганлар қарсаклар билан кутиб олдилар. У биринчи истиқлол байрами билан йиғилганларни қутлар экан, ўз шеърини ҳам ўқиб берди.

Жумҳуриятга таниқли хонанда, созанда, раққосалар ижросидаги куй-қўшиқлар, таниқли қизиқчиларнинг ичакузди латифалари байрам қатнашчиларининг кайфиятига кайфият, шодлигига шодлик қўшди.

— Бозор иқтисоди, нархнавонинг кўтарилиши бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқараётганлиги маълум, — деди фабрика директори Зокир Хўжаев, — лекин, булар ҳаммаси, аминмизки, ўткинчи ҳолат. Энг муҳими, тани соғлиқ, хотиржамлик зарур бизга. Буни таъминлаш эса ўз қўлимизда. Биз доимо шунга амал қиламиз. Ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялашнинг пухта режасини ишлаб чиққанмиз. Бу режада уларни кундалик рўзғор маҳсулотлари билан иложи борича кўпроқ таъминлаб, туриш асосий ўринни эгаллайди. Ўйлайманки, биз ҳамкорликда, ҳамфикр бўлиб, бамаслаҳат ишлаб, бу режаларни бекаму-кўст амалга оширсак, ишчи-хизматчиларимизни ҳозирги мушкул кунлардан осон олиб чиқиш мумкин бўлади.

Самимий, дилдан чиқариб, астойдил айтилган гаплар. Биз ўша кунги Наврўз тантаналарида қатнашиб, одамлар билан учрашиб, суҳбатлашар эканмиз, бу режалар ҳаётда ўз аксини тўла-тўкис топажагига ишондик.

**Н. РИХСИЕВ.**

## КУНДУЗИ ШИФОХОНАДА, КЕЧҚУРУН УЙДА

Пойтахтимизнинг Киров ноҳиясидаги 12, 26, 31-поликлиникалари қошида ташкил этилган махсус хоналар кундузи ётиб даволанувчиларга мўлжалланди.

Кечқурун эса беморлар уйларига бориб, дам олаверадилар. Ана шу тадбир, айниқса, кўп фарзандли, шунингдек ёш болали оналар учун катта қулайлик яратди.

**С. СУЛТОНОВ.**

## • СПОРТ •

### УЧИНЧИ ҒАЛАБА

**КЕЧА «Пахтакор» футболчилари Ўзбекистон миллий олий лига чемпионатининг навбатдаги тур учрашувини ўз майдонларида «Шаҳрихончи» клуби билан ўтказиб, 4:1 ҳисобида ғолиб келдилар ва тўрт ўйиндан сўнг етти очко тўплаб, пешқадам бўлиб олишди.**

●

### ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

**ТОШКЕНТДА халқаро шашка бўйича эркаклар ўртасида олий лига вакилларининг республика биринчилиги якунланди. Юз катакли тахтачаларда ўйналган барча мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказган тошкентлик халқаро тоифадаги гроссмейстер Николай Мешчанский ўн уч имкониятдан ўн бир очко тўплаб, олтин медаль соҳиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам тошкентликларга насиб этди. Сергей Давидов кумуш, Андрей Ческов эса бронза медалини қўлга киритди. Бу уч шашкачи ҳозир Тошкентда бўлиб ўтаётган МДҲ чемпионати мусобақаларида иштирок этишмоқда.**

**И. БИРБРАГЕР.**
**спорт устаси.**


**Жамоа ва давлат хўжаликлари, хусусий шаклдаги барча корхоналарнинг раҳбарларига!**

**Биз Сизнинг ишчи ва хизматчиларингиз учун ҳаракатдаги ижтимоий ҳимоя қилиш шаклларини таклиф қиламиз!**

*СУҒУРТА ШАРТНОМАЛАРИ:*
*бахтсиз ҳодисалардан;*
*фарзандларингизни;*
*ҳаётингизни;*
*уй-жой мулкларини;*
*автотранспорт ва бошқаларни.*

Суғурта бадаллари корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобидан тўланади.

Суғурта тўловлари суғурта муддати тугаганлиги муносабати билан бўлганидек, суғурта шартномаси шартларида кўриб чиқилган суғурта ҳодисаларига кўра шартнома кимга расмийлаштирилган бўлса, ўша шахсгагина тўланади.

Шартномалар тузишни хоҳласангиз, унда биз Сизларини Тошкент вилоят Давлат суғурта бошқармасининг район ва шаҳар бўлимларида кутамиз.

"ЭРА" реклама агентлиги


## • Якун «ЁЛҒИЗ ОНА! БУ—УНВОНМИ ЁКИ..»

**МАҚОЛА** чоп этилгандан буён ўтган икки ой давомида муштарийлардан юздан ортиқ мактуб олинди. Муҳарририятимизга ўнлаб қўнғироқлар бўлди. Ва ҳамон хатлар оқимию қўнғироқлар тўхтагани йўқ. Мазкур мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган барча муштарийларга муҳарририятимиз номидан ташаккур айтиб, мақола бўйича баҳсни якунлаймиз. Халқимизда «Оз бўлсину соз бўлсин!» деган нақл бор.

Ушбу мунозара юзасидан келган мактубларнинг ҳаммасидан ҳам фойдалана олмадик. Бунинг учун хат муаллифларидан узр сўраймиз. Фойдалана олмаганлигимизнинг сабаби эса, кўпчилик мактублардаги фикр-мулоҳазалар бир-бирига ўхшаш ёки яқин маънода бўлганлигидадир. Бизга мактуб йўллаган муштарийларимиз бизни тўғри тушунишади ва ушбу чиқишимизни ўз хатларига жавоб ўрнида қабул қиладилар деб ишонамиз.

Хулоса ўрнида эса вилоятимиздан сайланган халқ нонбларни нуфузли йиғинларда ушбу масала — «Ёлғиз она» деган номнинг бекор қилиниши учун саъй-ҳаракат кўрсатадилар, деб ишониб қоламиз. Зеро, бу ишонч, бу мулоҳаза бир шахс ёки бир рўзнома жамоаси эмас, балки вилоятимиздаги барча пок ниятли, ҳалол одамларнинг истагидир.


## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

**«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ**

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:**

«Елдис-1200» мувозанатлаш дастгоҳи.

— Автомобиль кўтаргичлар.

— Компрессорлар.

— ва бошқа махсус автоускуналар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй.

• ТЕЛЕФОН: 34-25-81.

ҲАШАМАТЛИ МУҲРЛАР ВА ШТАМПЛАР

БАЖАРИШ МУДДАТИ 24 СОАТ ШУ КЕЛИБ СИЗ

Мустаҳкам сифатли исталган тилда исталган мураккабликда сиз танлаган йўсинда жиҳозланган ҳуқуқий жиҳатдан қонуний

**ТОШКЕНТ**

"ФАЙЗ Лтд."
700003 Тошкент
Байналмилал кўчаси, 2-уй
Мулоқот телефонлари
45=45=56
45=43=56

Бешёғоч майдони — Иссиқ нон — Байналмилал кўчаси, 2 — Олмазор кўчаси



Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: Г-18. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти— 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 30579 нусха босилди.